

Чумчуқларни ўлдиришнинг оқибати



11:00 / 27.02.2021 4340

1958 йилда Хитой раҳбари “Олдинга катта қадам” қонунини эълон қиласди. Бу қонун орқали иқтисодий ўсиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдорини ошириш кабилар кўзда тутилган эди. Хитой раҳбари Мао ҳосилларни еб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг камайишига сабаб бўляпти деган важ билан чумчуқларни ўлдиришга буйруқ беради.

Деҳқонлар ўн минглаб чумчуқларни ўлдира бошладилар. Қанча кўп чумчук ўлдирган кимсалар мукофот олар, уларга миллий қаҳрамонга қилгандек муомала қилинарди.

Бунинг натижасида барча далаларни чигирткалар босиб, ҳосилларни хонавайрон қилди. 1958—1961 йилларда Хитойда "Буюк очлик" юз берди. Бунинг оқибатида 15 млн.дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

Ризқим кўпайсин деб бир маҳлуқнинг ризқини қиймаслик керак. Бандаларнинг ризқлари Аллоҳ таолонинг қўлида бўлиб, У Зот ўша ризқларни бандалар орасида ҳикмат билан тақсимлаб қўйган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿أَرْقَتْ سُمْ مَلْعِي وَ أَهْقَرْ لَلْ جَلَعْ إِلَى صَرْأَلَا يِفَّبَادْ نَمْ آمَوْ نِيَبْمِبَاتْكَ يِفْلُكْ آهَعْ دَوْتْ سُمْ وَ﴾

«Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақланиб тураладиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очик-ойдин китобда бордир» (Худ сураси, 6-оят).

Норасмий маълумотларда очликдан ҳалок бўлганлар сони 40 млн.дан ошгани айтилган. Ризқим кўпайсин деб бир махлуқнинг ризқини қийишга уринишнинг оқибати ана шундай бўлади.

Бутун борлиқдаги махлуқотларнинг ризқларини ақлларни лол қолдирадиган даражада тақсимлаб қўйган Аллоҳ Покдир!

Манбалар:

[Islom.uz](#)

[Quran.ksu.edu.sa](#)

[albayan.ae](#)

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади